

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСРАИЛОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТГА ОИД ҚОНУНЛАРНИ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Table of contents of the authoror abstract of the dissertation of Doctor
of Philosophy (PhD)

Исраилов Дилшод Шавкатович

Тезкор-қидирув фаолиятга оид қонунларни ижроси устидан прокурор назоратни такомиллаштириш..... 3

Исраилов Дилшод Шавкатович

Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законов об оперативно-розыскной деятельности..... 23

Israilov Dilshod Shavkatovich

Improving prosecutorial supervision over the implementation of laws related to operational investigative activities 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСРАИЛОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТГА ОИД ҚОНУНЛАРНИ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Yu1239/рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Ваҳобжон
юридик фанлар доктори, профессор

Тулаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « 23 » апрель куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96; факс: (998971) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (41-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.:(99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2024 йил «09» апрель куни тарқатилди.
(2024 йил 09 апрелдаги 7 -рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва унинг барқарор тизимини яратиш учун муҳим шартлардан бири бу мамлакатнинг бутун аҳолиси бўйсунадиган назорат органларига эга бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида, “Ҳар бир инсон конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир”.¹ Human Rights Watch 2023 йилдаги жаҳон ҳисоботида кўра, “Ҳар йили минглаб инсонлар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари суиистеъмолликлари ёки самарасиз ташкил этилган бошқарув туфайли инсон ва фуқароларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинлари бузилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этган ва бунга қарши курашиш бўйича 100 га яқин мамлакатлар иштирокчиларини давлат бошқарув тизими ва қонунчилигини ўзгартириш бўйича тавсиялар берган”.² Шу боис, прокурорлар терговга қадар текширув босқичида фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунларни такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Жаҳонда жиний одил судловда прокурор иштирокининг асосий принципларини белгиловчи халқаро стандартлар айбловчиларнинг терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичида қонунлар ижроси устидан назоратни самарали амалга ошириш одил судловни тизимининг принциплари билан чамбарчас боғлиқлигини қайд этади. World Justice Project (WJP) “Қонун устуворлиги” индекси бўйича берилган маълумотларга кўра, 2023 йилда одил судлов соҳасида 61 фоиздан, 56 фоизга кўрсаткичлар пасайган.³ Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур дастурларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш, назорат ва контроль қилувчи органлар томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, тергов даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг бузилишини аниқлаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, қонунга хилоф равишда аралашиб натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича илмий-назарий изланишлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган инсонпарвар нормалардан келиб чиқиб, прокурорлар тезкор-қидирув фаолияти устидан қонунлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш жараёнида инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаши шарт. “2022 йилги инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон ҳисоботида ҳуқуқ-тартибот идоралари, тергов ва жазони ижро этиш муассасида айбланувчи, судланувчиларни айбига иқдор бўлиш ёки жиноят процессида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни олиш мақсадида қийноқлар ва шафқатсиз муомилада бўлиш давом этмоқда” деган хулосага келган.⁴ Шу мақсадда,

¹ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

² <https://www.hrw.org/world-report/2023>

³ <https://worldjusticeproject.org/news/wjp-rule-law-index-2023-global-press-release>

⁴ <https://uz.usembassy.gov/2022-country-reports-on-human-rights-practices-uzbekistan/>

прокурорлар ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолиятида, жазони ижро этиш муассасаларда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Чунки, конспирация тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган тезкор-қидирув фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга, шунингдек яширин усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қобилиятини чеклайди, бундан ташқари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш учун муайян шароит яратиш мумкин. Шунинг учун бугунги кунда тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати ва суд контроли ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш долзарб ҳисобланди. Чунончи, “Бош прокуратуранинг Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ТҚФ натижасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисида келиб тушган ариза ва шикоятлар таснифига кўра терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов масалалари юзасидан 2020 йилда 5816 та, 2021 йилда 10333 та, 2022 йилда 11271 та мурожаатлар келиб тушганлиги маълумот тариқасида билдирилган”.⁵ Шу мақсадда, тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати ўрни ва ролини белгилашнинг концептуал муаммоси илмий тушунишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (2012), “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

⁵Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2023 йил 19 декабрдаги 16/2-263625/23-сон хати.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбаев, Б.П.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.Ф.Иноғомжонов, Р.Қабулов, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, Г.З.Тўлаганова, В.Каримов, О.М.Мадалиев, Д.С.Довудова, Ш.Хақназаров, А.Тошпўлатов, А.Б.Комилов, А.С.Пўлатовлар⁶ томонидан тайёрланган илмий ишларда тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратига оид айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Жумладан, А.Б.Комилов прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари (2022), Ш.Саидов прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масалалари (2022) муаммоларини ўрганганлар.

МДХга аъзо мамлакатларнинг – В.Н.Осипкин, А.А.Чувилев, А.Ю.Шумилов, И.Курьшов, И.Шатохин, И.Литвинов, О.Жук, В.Рохлин, А.Смирнов, И.Комаров, В.Черников, А.Козлов, В.Авдеевлар каби олимлари прокурор назоратига бағишланган тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу билан бирга, К.М.Кожевников, В.Тенчов, Н.Бондарь, Л.Буторин, В.И.Басков, В.Г.Бессарабов, С.И.Герасимов, Ю.А.Дмитриева, В.В.Долежан, Н.А.Катаев прокуратура органлари фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси ва механизми бўйича ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим⁷.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисмида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб муҳим назарий масалалар муҳокама этилган. Шу боис, тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда “Одил судловни амалга ошириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимиз тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни, бу соҳадаги илмий-амалий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

⁶Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида кўрсатилган.

⁷Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг тамойиллари таҳлилини ўрганиш;

тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг зарурати ва асосларини ўрганиш;

тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда прокурор функцияларини таҳлил қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати механизмларининг илмий ва амалий таҳлил қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг аҳамиятини очиқ бериш;

прокурор назорати ва суд контроли институти тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш механизми сифатида кўриб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорат қилишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий, халқаро ва хорижий мамлакатлар қонун нормаларининг ривожланиш йўналишлари, прокурорнинг қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишда ўз ваколатларини амалга оширишини тартибга солувчи илмий-назарий қараш ва ёндашувлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда формал мантиқ, тизимийлик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни назарда тутувчи ҳуқуқий нормалар, тамойиллари, прокурор томонидан назоратни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ваколатлари билан боғлиқ механизмларни такомиллаштирилиш зарурати асослантирилган;

терговга қадар текширувни ва тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар инсон ва фуқароларни конституция ва қонунларда белгилаб ҳуқуқ ва эркинларига риоя этилиши устидан назорат қилиш муҳимлиги асослантирилган;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинларини чекловчи қонунга зид ҳамда асоссиз қарорларини прокурор назорати орқали бекор қилишнинг муҳимлиги асослантирилган;

терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ишларининг олиб боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни қонунда белгилан тартибда жиноят ишига маъсул бўлган прокурорлар томонидан талаб қилишни такомиллаштирилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

прокурор судда терговга қадар текширувчи мансабдор шахснинг, суриштурувчининг, терговчининг тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга берган илтимосномасини кўриб чиқишда иштирок этиши шартлиги асослаб берилган;

инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорини судья томонидан ваколатли прокурор иштирокида кўриб чиқилиши таклиф этилган;

тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг чегаралари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмаслиги асослантирилган;

маънавий зарар жиноят иши қўзғатилгунга қадар тезкор-қидирув тадбири давомида ёхуд терговга қадар текширув босқичида шахсларга зарар етказилганда қопланиши таклиф этилган;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида “прокурорнинг ваколатлари маъмурий характерга эга бўлиши лозимлиги” деган хулоса шакллантирилган;

жиноятларни тайёрлаш ва содир этишда айби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда исботланмаган шахс тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органдан ўзини текшириш учун асос бўлган маълумотларни ва мавжуд маълумотларнинг моҳияти тўғрисида талаб қилишга ҳақлилиги тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилган;

прокурор назорати механизми - бу тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш, айбдор шахсларнинг судга тортилишини таъминлаш мақсадида прокурор томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган ваколатлар ва ҳуқуқий воситаларнинг таркибий жиҳатдан расмийлаштирилган тизими бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар ва шартларни аниқлашдан иборатдир, деган муаллифлик тарифи берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган бўлиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, прокуратура фаолиятининг концептуал ғояларини янада ривожлантириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек тезкор-қидирув ҳуқуқи, далиллар назарияси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда келтирилган хулосалар, қоидалар ва таклифлар амалга оширилганда тезкор-қидирув фаолияти устидан қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилувчи прокурорлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар устидан прокурор текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиялар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича текширишларни тайёрлаш ва ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришдаги фаолиятини кучайтириш йўллари тадқиқ этиш натижалари асосида:

терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жинойтларга оид тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилишга оид масалалари янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартиришни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 декабрдаги №27/2-413/23-сон далолатномаси); Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назоратни амалга ошириш, қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асосиз қарорларини бекор қилишга оид масалалари янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартиришни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 декабрдаги №27/2-413/23-сон далолатномаси); Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назоратни амалга ошириш, қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган;

тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни назарда тутувчи таклифлардан янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартиришни

такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 декабрдаги №27/2-413/23-сон далолатномаси); Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назоратни амалга ошириш, қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган;

терговга қадар текширувни ва тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги назоратга оид масалалари янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартиришни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 декабрдаги №27/2-413/23-сон далолатномаси); Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назоратни амалга ошириш, қонунларнинг ижро этилиши имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 12 та илмий мақола (шулардан 3 таси хорижий нашрлар) 5 та илмий конференция тўшамларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий масалалари”** номли биринчи бобида тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг тушунчаси, мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий асослари, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметининг ўзига хос

хусусиятлари ва прокурор назоратининг принциплари тизимини такомиллаштириш таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 143-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланади. Ҳозирги вақтда 2001 йилдаги янги таҳриридаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги қонуни амалда бўлиб, унда бутун прокуратура тизими мақоми ва унинг турли таркибий тузилишларининг асосий қоидалари мустақамланган. Мазкур қонунга мувофиқ прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадиган ягона марказлаштирилган органлар тизими сифатида фаолият юритиши белгилаб қўйилган.

Вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш функцияси қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий талабларидан бири бўлиб, ушбу фаолиятнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатини акс эттиради, бу эса давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун талабларига қатъий риоя этилиши, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади. Демак, назоратнинг мазмун-моҳияти муайян органлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг уларга юклатилган вазифаларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Шунингдек, ТҚФ устидан прокурор назорати бўйича олимларнинг назарий фикрлари ва қонун қоидаларини таҳлил қилиш асосида муаллиф прокуратуранинг давлат механизмидаги ўрни, роли ва мавқеини мустақамлаш лозимлигини асослайди.

Диссертантнинг нуқтаи назарича, ТҚФ устидан прокурор назорати - бу прокуратура фаолиятининг ихтисослаштирилган ташкилий-ҳуқуқий соҳаси бўлиб, прокурорнинг ўзига хос ваколатлари, ТҚТ амалга ошириш жараёнида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш билан тавсифланади. Албатта, ТҚФ амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, амалга оширилган ТҚТ тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириши, жиноят ишлари бўйича исботлаш жараёнида ТҚФ натижаларидан фойдаланиш ҳамда қонун ва шахснинг конституциявий қафолатлари бузилишига ўз вақтида чек қўйиш назарда тутилган вазифалари юклатилган.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назорати вазифалари қуйидагиларда номоён бўлади: а) қонун бузилишининг олдини олиш; б) қонун бузилишини аниқлаш; в) қонун бузилишини бартараф этиш, унинг оқибатларини бартараф этиш ва жамиятнинг бузилган манфаатларини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тиклаш ёки ҳимоя қилишга эришиш; г) қонунни бузганликда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш.

Муаллиф тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш самарадорлиги кўп жиҳатдан прокуратура органларининг алоҳида бўлинмалари, шунингдек, ушбу органлар ходимлари ишини пухта ўрганганлик даражаси ва ишларни сифатли ташкил этиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тезкорлик билан жавоб берганликлари билан боғлиқлиги қайд этилган.

Прокурор таъсир (реагирование) чоралари - бу прокуратура органларининг мансабдор шахслари томонидан назорат ва назоратсиз ваколатларини амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган, қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг сабаблари ва шартларини аниқлаш бўйича ваколатларни амалга оширишнинг ташқи шаклига эга бўлган процессуал ваколатларни амалга ошириш натижаларидир.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратини қуйидагича таснифлаш имконини берди. Яъни: тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг чегаралари - хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини (функцияларини) бажаришига йўл қўйилмаслиги билан белгиланади. Тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорат предметини белгилашда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалардан ва тезкор-қидирув фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан, шунингдек, нафақат фаолият натижалари асосида, балки амалга ошириш учун асослардан келиб чиқиш керак.

Шунингдек, прокурор назорати бўйича келтирилган олимларнинг фикрларининг таҳлили прокурор назоратининг қуйидаги хусусиятларини ажратишга имкон берди: 1) назорат фақат Конституция ва қонунларда мустақамланган махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади; 2) назоратни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс)ларнинг фаолият йўналиши ва соҳалари махсус меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади; 3) Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, прокурор назоратни амалга оширишда фақат ўзига белгиланган йўналиш ёки соҳа доирасидагина амалга ошириш мумкин; 4) қонунлар ижроси устидан назорат мунтазам равишда амалга оширилади; 5) назоратнинг объекти жисмоний ва юридик шахслар (мансабдор шахслар) бўлиши мумкин; 6) назорат шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан олдини олиш мақсадида амалга оширилади; 7) прокурор назорати жиноят процессининг барча босқичларидан келиб чиқиб, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти ва дастлабки тергов иш юритиш босқичларида ҳам амалга ошириш мумкин.

Ишда Б.Х.Пўлатов, В.Каримов, Д.Миразов, Б.Мўминов, О.М.Мадалиев, Д.С.Довудова, Ш.Хақназаров, А.Пўлатов ва бошқа олимлар фикрларининг таҳлили асосида, муаллиф прокурор назорати принципларининг аҳамияти, прокурор назорат функциялари, ваколатлари, прокурор назоратининг мақсадлари, вазифалари ва ҳуқуқий воситалари, шакллари тавсифи берилган⁸.

⁸ Ушбу олимларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Мазкур олимларнинг олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунларга прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ролини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олган мустақил бўлим, модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса асосланади.

Диссертация ишининг **“Тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари”** номли иккинчи бобида тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг зарурати ва асослари, тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда прокурор функцияларининг таҳлили ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати механизмларининг илмий ва назарий таҳлилларга оид масалалар ўрганилган.

Диссертацияда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солиш атрофлича таҳлил этилган. Норматив-ҳуқуқий базани ўрганиш шуни кўрсатдики, қонунчилик базаси идоравий норматив ҳужжатлар билан сезиларли даражада тўлдирилиб, бу ҳар доим ҳам қонун ҳужжатларига мос келавермаслигини ва бу, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фош қилиш ва аниқлаш соҳасидаги амалиёт манфаатларини ҳамisha ҳам тўғри келавермайди.

Диссертацияда прокурор назоратини амалга оширишда муаллифнинг шахсий фаолияти жараёнида аниқланган тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ муаммолар кўрсатилган, шунингдек, ушбу фаолият турини амалга оширишнинг амалиётда синаб кўрилган методологияси таклиф этилади.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш самарадорлиги кўп жиҳатдан прокуратура органларининг алоҳида бўлинмалари, шунингдек, ушбу органлар ходимлари ишини пухта ўйланганлик даражаси ва сифатли ташкил этишга боғлиқлиги қайд этилган. Шу муносабат билан прокуратура органларида уларнинг касбий фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича ишни ташкил этиш механизмининг мазмун-моҳияти ва асосий элементлари тўғрисидаги масала юзасидан прокурор назорати соҳасидаги олимларнинг илмий қарашлари ва фикрлари таҳлили келтирилган. Муаллиф тўпланган материалларни ўрганиш асосида замонавий шароитда тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг натижавийлиги ва самарадорлигига кўп жиҳатдан барча элементларнинг қатъий тизимли ва функционал боғлиқлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин, деган хулосага келади.

Ўтказилган таҳлиллар асосида тадқиқот ишида тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш механизмининг ўзига хос элементлари кўрсатилган, асосланган ва тавсифланган, шунингдек, ушбу механизмнинг концепцияси шакллантирилган.

Диссертацияда прокурор барча терговга қадар текширув органларининг идоравий бўйсунушидан қатъи назар, уларнинг процессуал фаолияти устидан доимий назоратни таъминлаши шартлиги тўғрисида асосли хулоса қелган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида, прокурор назорати механизми - бу тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш, айбдор шахсларнинг судга тортилишини таъминлаш мақсадида прокурор томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган ваколатлар ва ҳуқуқий воситаларнинг таркибий жиҳатдан расмийлаштирилган тизим бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган сабаблар ва шароитларни аниқлашдан иборатдир.

Прокуратуранинг давлат органлари ва муассасалари тизими сифатидаги функцияси – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқаришда аҳамиятли бўлиб, давлат механизмининг таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунларда назарда тутилган асосий вазифалар яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ЖКнинг: 192¹³-, 212¹-, 230³-, ва ЖПКнинг 170-моддалари биринчи қисмларига, хавфсизлик чоралари терговга қадар иш юритиш жараёнида аризага, хабар берувчига, жиноятдан жабр кўрган шахсга, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга жорий этиш борасидаги ўзгартириш киритиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқган.

Диссертациянинг **“Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилиши устидан прокурор назорати ва суд контроли”** деб номланувчи учинчи бобида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати, аҳамияти ва суд контроли тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш масалаларига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган.

Тадқиқотчининг фикрича, цивилизациялашган давлатнинг асосий вазифалардан бири бу инсон ва фуқароларни ҳуқуқларни расман тан олиш ва уларнинг ишончли ҳимоясини ташкил этишдан иборат. Албатта, бусиз инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаб бўлмайди. Прокурор назорати тизимини такомиллаштириш учун тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бўйича прокурор фаолиятини ташкил этиш ва методологиясини ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқ деган фикрга келган.

Жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичларида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаол характерга эга бўлиши керак, шунда жиноят процессуал қонунчилигининг бузилиши, айниқса, шахснинг конституциявий ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган

хуқуқбузарликлар нафақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бартараф этилади, балки ўз вақтида олдини олиш билан имкон қадар камёб ҳолларда учрайдиган ҳолат сифатида тақозо этилиши лозим. Шу муносабат билан тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорларга қонун бузилишини олдини олиш бўйича кенг ваколатлар берилиши лозим.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Прокуратура тўғрисидаги қонун, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, кўрсатмаларини батафсил ўрганиб, текшириш предметиға тегишли; назорат қилувчи органнинг тузилмаси, ишининг ўзига хослиги ва ташкил этилиши, иш юритиш; статистик ҳисобот маълумотлари, шу жумладан идоравий ҳисоботларни, тезкор ҳисоботлар ва бошқа материалларни таҳлил қилиш орқали ҳудуддаги тезкор (криминоген) вазиятни ўрганиш; ўтган текширишлар материаллари, шунингдек назорат предмети бўйича тасдиқланган қоидаларға мувофиқ прокуратура органларида олиб борилган номенклатуравий ишлар бўйича ушбу соҳадаги прокурор назорати амалиётини ўрганиш; илгари ўтказилган текширишлар ҳисоботлари, жавоб ҳужжатлари ва уларға жавоблар билан танишиш; назорат қилинадиган органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш (тўғридан-тўғри жиноятлар ва жиноят ишларини терговға қадар текшириш материаллари); Ш1, Ш2 қирувчи маълумотларни таҳлил қилиш (фуқаролар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида прокурор номиға, шунингдек бошқа давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига ва бошқаларға юборилган шикоятлари, аризалари, мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари хабарлари, ахборотлар) давлат айбловини таъминлаш, ҳукмлар, қарорлар, суд ажримлари жараёнида маълум бўлган; фуқаролар ва мансабдор шахслар билан шахсий қабулларни ўтказиш, идоралараро йиғилишларда иштирок этиш, жамоатчилик олдида чиқиш қилиш; идоравий аудит материалларини таҳлил қилиш, шарҳлар, кўрсатмалар, низомлар, илмий ва услубий адабиётлар каби чора-тадбирларға эътибор қаратади.

Тадқиқотчи, тезкор-қидирув фаолиятида шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларға риоя қилиш тамойилининг бузилишиға сабаблари кўп омиллар сабаб бўлади, биринчи навбатда тезкор-қидирув қонунчилигининг номукамаллигида, иккинчидан тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати, суд контроли ва идоравий назоратнинг самарасизлиги билан боғлиқ, учинчидан эса, тезкор-қидирув фаолияти масалалари бўйича тезкор-қидирув амалиётида ўзбошимчалик билан талқин қилиш ва ҳуқуқий позицияларидан фойдаланмаслик. Бундан ташқари, тезкор ходимларға тезкор-қидирув муносабатлари иштирокчиларига бундай мурожаат қилиш ҳуқуқи ва тартибини тушунтириш лозимлигини асослантирган.

Диссертацияда МДҲға аъзо давлатлар анъаналарига амал қилувчи мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий амалиётларининг таҳлили асосида,

Л.Буторин, В.Зайковский, Н.С.Бондарь, А.М.Ефремов, А.С.Пўлатов, Е.Р.Беляева, М.Ўразбоев ва бошқа процессуалист олимларнинг мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилиши устидан прокурор назорати ва суд контроли такомиллаштиришни назарда тутувчи илмий хулосалар илгари сурилади, тегишли процессуал-ҳуқуқий нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир ҳамда ЖКнинг янги 230³-модда; Жиноятларни провокация қилиш, ЖКнинг 212¹-модда; Пора олиш-беришга провокация қилиш ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасини 6-қисм таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертант тезкор-қидирув фаолиятида шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш тамойилини жорий этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш тезкор-қидирув амалиётида шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири, уй-жой дахлсизлиги, ўз шаъни ва кадр-қиммати, ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон почта, фуқароларнинг ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган материаллар билан танишиш, малакали юридик ёрдам олиш каби конституциявий ҳуқуқлари асосий чекланадиган ҳуқуқлари тоифага ажратишга имкон берди.

